

ЖИСМОНИЙ ВА РУХИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ

Раймберди Кудратуллоевич Хайтметов

Чирчик давлат педагогика университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада комил инсонни тарбиялашда спортнинг, жисмоний машқларнинг аҳамияти фалсафий жиҳатдан ёритилган. Шахс маънавияти шаклланишида жисмоний камолотнинг ўрни очиб берилган.

Калит сўзлар: спорт, этика, тарих, комил инсон, давлат.

КИРИШ

Комил инсонни тарбиялаш муаммосини ҳал этиш азал-азалдан инсониятнинг ўз олдига қўйган орзуладидан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар бўлишида спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти ошиб бормоқда. Спорт инсон ўз-ўзини тарбиялаши, англашида етакчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Спортдаги кўрсаткичларининг ўсиш меъёрига қараб спортчи нафақат жисмоний, балки руҳий, ақлий, ахлоқий ва ватанпарварлик жараёнларига аста-секин ўзи ҳам сезиб-сезмай кириб боради. Бу жараёнларга кириб боришида устози, жамоаси, қўллаб-қувватловчи дўстлари мухим ўрин эгаллаши мутахасислар адабиётларида кенг ёритилган. Спортчилар ва спорт жамоаларининг мусобақаларини томоша қилиб турган шахс шу спортчи ёки шу жамоа билан биргаликда иштирокда бўлишга ошиқади. “Стадионда ўз жамоасининг ғолиб чиққанини кўрган мухлиснинг куч ғайрати жўшиб, ўзи ҳам майдонга тушиб тўп сургиси келиб кетади. Чунки у ана шу жамоа тимсолида ҳалқи ва ватанини, уларнинг катта имкониятларини кўради”. Шунинг учун ҳам спорт инсон иродасини тоблайдиган, руҳият, ахлоқи ва дунёқарашига таъсир қиласиган фаолият турларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Спорт инсоннинг жисмоний сифатларини ривожлантириши билан бирга унинг маънавий камолотига ҳам кучли таъсир ўтказишини қадимги инсонлар ҳам яхши тасаввур қилишган. Бундан қарийб уч минг йил аввал антик маданиятда олимпия ўйинларининг пайдо бўлиши ҳам инсондаги куч, чаққонлик, тезлик, чидамлилик сифатларини, унинг руҳий ва жисмоний баркамоллиги, фалсафий ва

маънавий қарашларини намойиш қилиш истаги билан бевосита боғлиқлиги шубҳасиздир. Қадимги инсоннинг тасаввурида, ҳар томонлама жисмоний, маънавий етуклик, мукаммаллик инсонларгагина эмас балки, фақатгина маъбудлар ва афсонавий қаҳрамонларгагина хос бўлган. Бу хақда бизгача етиб келган афсонавий Гераклнинг ўн икки қаҳрамонлиги фикримизга яққол мисол бўла олади. Гуёки паҳлавон Геракл мўъжизавий, шу билан бирга ҳар хил вайронкор кучга эга турли маҳлуқларни енга олиши учун унга руҳий, жисмоний куч керак бўлган. Югуришда оҳудан ҳам ўзиб кета олган, камондон бехато ўқ узган, ҳар қандай паҳлавонни курашда мағлуб эта олган бу азамат санъат ихлосманди ҳам бўлган етук шахслиги манбаларда кўрсатиб ўтилган.

У нафосатни билган, кифора номли мусиқа асбобини чалишни ўрганган, шу билан биргалиқда ҳайкалтарошлиқка қизиққан. Бу ўша давр кишиларининг тасаввурида ҳам беқиёс жисмоний кучнинг ўзигина инсон мукаммаллиги мезони бўла олмаслиги тўғрисидаги қарашларнинг мавжудлигини англатади. Шунингдек, афсонавий юонон қаҳрамонлари Геракл, Апполон, Одиссейлар каби, файласуфлар Гиппократ, Пифагор, Афлотун, Аристотелларнинг ҳам спорт билан машғул бўлганликларини яхши биламиз. Ана шундай буюк зотлар иштирок этганликлари учун ҳам олимпия ўйинларининг асосий ғояси инсон комиллиги намойиши бўлганлиги табиийдир. Машҳур тарихчи Герадот Афинадан олимпия ўтказилган шаҳаргача яёв келганлиги ҳақида маълумотлар бор. Пифагор умумэллин спорт мусобақаларида мушт жанги (буғунги кунда бокс)да ғолибликни қўлга киритган. “Тиббиётнинг отаси”- Гиппократ кўзга кўринган эллин курашчиси ва машҳур чавандоз бўлган.

Афлотун томонидан фалсафада биринчи марта инсон комиллиги масаласининг қўйилишига ҳам олимпия спорт ўйинлари туртки бўлган. Чунки, унинг ўзи бу мусобақаларда иштирок этиб жисмоний машқларнинг инсонни камол топтиришдаги аҳамиятининг бевосита шоҳиди бўлган. Файласуф Афлотун ўз даврининг энг кучли гимнастикачиларидан бири эканлиги билан ҳам танилган, Олимпиадалар ўртасида ҳар икки йилда бир марта денгиз илохи Посейдон шарафига ўтказиладиган машҳур Истма ўйинларида кураш бўйича мусобақаларда ғолиб чиққан.

Манбалардан маълумки, Афлотун ўз асарларида спорт ва жисмоний тарбия масалаларини кенг таҳлил қилган. Комил инсонни тарбиялаш ва уни шакллантириш масаласига алоҳида тўхталиб, инсондаги рух ва жисмнинг машқлар орқали ривожлантириш зарурлигини далиллар асосида исботлаб беради. “Кўҳна Юнонистонда умумий таълим отаси ҳисобланган Исократ (милл.авв 436-338

йиллар) ёшларни тарбиялашда агонистика яъни спорт машқларини бажариш ва мусобақалашши тизими ва фалсафани узвий боғлаш зарурлигини асослайди. Биздан анча илгари яшаган одамларнинг баъзилари ҳаётнинг барча жабҳалари билан боғлик бўлган санъат турлари кўплигини, аммо улар орасида жисм ва руҳ тарбияси билан шуғулланадиганлари йўқлигини англаган ҳолда бизга бу икки фанни – обьекти инсон жисми бўлган петодрибиқа (яъни бир қисми гимнастикадир) иккинчиси инсон руҳи билан шуғулланадиган фалсафани васият қилиб қолдирадилар. Бу икки фан бир-бирига мувофиқ ўзаро боғлик ва мутаносибдир. Устозлар улар ёрдамида инсон қалбини олижаноброқ, жисмини эса мукаммалроқ қиласидилар”. Бу тарихий маълумотлардан кўриниб турибдики, спорт ва фалсафа бир-бирига чамбарчас боғланиб, улар моҳият ва мазмун жиҳатидан яқинлигини англаймиз. Улар доим бир-бирини бойитиб тўлдириб келган ва келмоқда. Инсон комиллигида жисмоний машқлар ўрнини машҳур саркардалар А.Македонский, Ж.Мангуберди, А. Темурлар ҳам аниқ равshan англашган.

Буюк саркардалардан бири бўлмиш Александ Македонский ҳам ўз аскарларни ўз армиясига танлаб олганда уларнинг жисмоний қобилиятига, хусусан қўрқмас, жасоратли сифатларига катта эътибор берган. Бу жараённи саркарда лашкарларнинг ҳар бирини ёввойи ҳайвонлар билан юзлаштириш орқали текшириб кўрганлиги хақида маълумотлар буюк мутафқакир Алишер Навоий асарларида учратиш мумкин.

Темурийлар даврида, айниқса, Амир Темур хукмронлиги даврида жисмоний тарбияга эътибор жуда кучли бўлган. Бу борада темурийлар даври ёзма манбаларида анчагина далиллар бор. Чунончи «Темур тузуклари», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фосиҳ Ҳавофийнинг «Мужмал-и Фосиҳий», айниқса, Мулло Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурномаси» каби бир қатор тарихий-бадиий асарларда амир Темур ва унинг авлодлари ўз даврида жисмоний тарбияга катта аҳамият берганлиги таъкидланади.

Ўрта. асрларда яратилган бир қатор асарларда инсондаги жисмоний маданиятни шаклланишида назарий асосларга алоҳида эътибор берилган Беруний, Форобий, Ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Абдураҳмон Жомий, А.Навоий ва бошқа алломаларнинг асарларидан намуналар келтиришимиз мумкин. Бу алломалар жисмоний етукликни назарий асосларини очиб бериш билан бирга ўzlари ҳам жисмоний машқлар билан бевосита шуғулланганликларини ёзиб қолдиришган.

Инсон комиллигини унинг маънавий ва жисмоний етуклиги белгилаб беришини тибиёт илми сultonи

мутафаккир Абу Али ибн Сино ўзининг машхур “Тиб қонунлари”да “Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия эканлиги”ни таъкидлар экан, “бадантабиянинг нозик ва енгил усуллари” қатори унинг кучли – “найза отиш, чавгон, кураш, тош кўтариш, чавандозлик”, каби ўша даврларда ҳам жуда оммалашган миллий спорт турлари билан шуғулланишининг аҳамиятини батафсил таърифлаб берган. Ибн Сино таъбири билан айтганда, соғлиқни сақлаш ва уни чиниктиришда жисмоний тарбиянинг ўрнини босадиган биронта дори-дармон йўқдир. Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асарида баркамолликдаги жисмоний етукликнинг ўрнига алоҳида аҳамият берган. Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асарида вояга етаётган ёшларга маънавий етуклик билан бир қаторда жисмоний етуклик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда жисмоний машқларнинг номларини, ўtkазиш жойларини, ўtkазиш воситаларини баён этган. Жисмоний машқлар инсоннинг ёшига қараб белгиланиши самарали эканлигини алоҳида таъкидлаган. От билан, камон қилич билан бажариладиган машқларнинг фойдали томонларини кўрсатган.

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Баҳористон” номли асарида баркамоллик ҳақида фикр билдирганда жисмоний баркамоллик масалаларини ҳам кенг ёритади. Айнан шу асарда жисмоний баркамолликка эришиш учун инсон ўз танасини ақли орқали билиши ва уни машқлар ёрдамида ривожлантириши мумкинлиги ҳақида маълумотлар берган. Жамиятда ижтимоий-аҳлоқий фаол, баркамол кишиларни вояга етказиш масаласига жадидчилик ҳаракати намоёндалари ҳам алоҳида эътибор қаратишган. “М.Беҳбудий, А.Фитрат, А.Авлоний каби олимлар шахсни вужуд, ақл ва аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан жамиятда маънавий аҳлоқий уйғонишни юзага келтириш мумкинлигини асослаб берганлар”. Биз жисмоний машқлар, улар орқали танани ва рухни чиниктириш ҳақидаги фикрларни ўрганиб инсон комиллигида спортнинг асосий омиллардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз табиийдир.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳам жисмонан ҳам маънан комил инсонни тарбиялашда спортнинг аҳамияти бекиёсdir. Бугунги кунда республикамизда ҳар томонлама етук кадрларни, комил инсонларни тайёрлашда болалар спортини, оммавий спортни, қизлар спортини ривожлантиришни янада яхшилаш учун харакатларимизни ҳеч қачон сусайтирмаслигимиз шарт ва бу давр талабидир.

REFERENCES

1. Мухамедова, З. М., Саттарова, Д. Г., & Худайбергенова, П. Т. (2019). РОЛЬ ГУМАНИСТИКИ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (52), 19-23.
2. Gapparovna, S. D., & Toshpulatovna, X. P. (2021). IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(10), 138-141.
3. Умирзакова, Н. А., Худойбергенова, П. Т., & Курбанова, Е. (2020). БИОЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ТРАНСПЛАНТОЛОГИИ. *Гуманитарный трактат*, (97), 13-14.
4. Худайбергенова, П. Т. (2018). ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ. *Гуманитарный трактат*, (33), 28-30.
5. Атамуратова, Ф. С., & Мисирова, Ш. А. (2021). Значение изучения биоэтики в медицинских вузах: международный опыт.
6. Мухамедов, А. Р (2021). «Вопросы совершенствования законодательства Узбекистана о преступлениях в сфере трансплантологии с учетом зарубежного опыта», *Биоэтика и право*
7. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 125-133.
8. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. А. *Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности*, (13), 304.
9. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. *Journal of Health Development*, (1 (30)), 37-45.
10. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. Учебное пособие. Ташкент.
11. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). АКТУАЛЬНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТЕКСТА БИОЭТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Гуманитарный трактат*, (99), 7-15.

12. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. *Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality*, (13).
13. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современность и традиции мусульманской биомедицинской этики. *Гуманитарный трактат*, (21), 38-40.
14. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In *Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran* (pp. 28-29).
15. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www.rpatm.uzsci.net.
16. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с.
17. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ЭТИКИ И ВСЕОБЩАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ О БИОЭТИКЕ И ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА. In *Этика и история философии* (pp. 202-207).
18. Саттарова, Д. Г. (2015). СТРАТЕГИЯ КОМПЬЮТЕРИЗАЦИИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ И ПРОБЛЕМА ГУМАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ. *িାଦ୍ୟେୟେବାଦୀ ପାତ୍ରକାଳୀନ ଜ୍ଞାନକାନ୍ଦିଷ୍ଠାନରେ ମହାନାମାନିକାରୀଙ୍କ ପରିଚୟ*, 116.
19. Сатарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНИАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ "ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (1), 106-108.
20. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
21. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). ЖАМИЯТДА ОДОБ-АХЛОҚ МЕЙЁРЛАРИНИ БУЗИЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 4(4).
22. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. *Theoretical & Applied Science*, (2), 451-454.
23. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovaniye gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'esbergayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. GI Nosova.

24. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. *Applied Biochemistry and Microbiology*, 7(1), 38-40.
25. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatulloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. *Tajikistan country assessment*. Geneva: WHO.
26. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In *Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований* (pp. 884-888).
27. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, (2), 69-72.
28. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. *IX МІЖНАРОДНОГО СИМПОЗІУМУ З БЮЕТИКИ ЗДОРОВ'Я, МЕДИЦИНА ТА ФШОСОФІШ: СТРАТЕГІ ВИЖИВАННЯ*, 15-16.
29. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. *Научные исследования XXI века.-Нефтекамск*, (5), 7.
30. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (77), 4-7.
31. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. *Гуманитарный трактат*, (17), 15-18.